

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«КЕЛИШИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири А.Ҳ.Тошқулов

«__» _____ 2021 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори М.Э.Пўлатов

«__» _____ 2021 й.

**5А 230108 – “Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш”
мутахассислиги бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш
синовлари**

**ДАСТУРИ
ВА
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

САМАРҚАНД – 2021

Тузувчилар: СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси проф.
М.Қ.Пардаев СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудир, и.ф.н.
А.Н.Холиқулов

Тақризчилар: СамИСИ “Банк-молия хизматлари”
факультети декани, и.ф.д., профессор О.М.Пардаев

СамДУ “Инсон ресурсларини бошқариш” факультети декани,
и.ф.д., профессор Н.У.Арабов

Дастур Олий Таълимнинг “Иқтисодиёт” таълим йўналишида ўтилган
фанлар, шу жумладан, “Бизнесни режалаштириш”, “Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик” ва “Менежмент” фанлар мажмуасини ўзида акс эттирган.

Мазкур дастур 5А 230108 – Монополияга қарши бошқарув ва
рақобатни ривожлантириш мутахассислиги бўйича махсус фанлардан
магистратурага кириш синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодий
таҳлил ва статистика” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ҳамда тавсия
этилган (2021 йил __ июнь ___ сонли мажлис баёни)

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-
услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган
(2021 йил __ июнь ___ сонли баёни).

Кириш

“Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар синов топширишда махсус фанлар етакчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун магистратурага кирувчилар “Иқтисодиёт” таълим йўналиши доирасида тўлиқ ўзлаштириб олишган фанлардан ташкил топган махсус фандан синов топширишда қуйидаги фанларга алоҳида эътибор қаратишлари муҳимдир, яъни “Бизнесни режалаштириш”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” ва “Менежмент”. Бунда магистратурага кирувчилар иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркор, бизнес каби иқтисодий категорияларнинг моҳиятларини, функцияларини, иқтисодиётдаги ролини, уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ саволларни, уларга тааллуқли муаммолар ечимини билишлари ва ёрита олишлари муҳимдир. Шунингдек, синов жараёнида абитуриентларнинг мутахассислик бўйича илмий, илмий-техник ахборотлар билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш бўйича билимларига ҳам катта аҳамият қаратилади.

Ушбу махсус фанлар дастури фақат “Бизнесни режалаштириш”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” ва “Менежмент” фанлари бўйича тасдиқланган дастурларда келтирилган мавзулари асосида тузилган.

Махсус фанлар таркибига кирувчи иқтисодий категориялар хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш)ни ҳамда товар айланишини ташкил қилувчи, миллий иқтисодиётни ўсишига олиб келувчи иқтисодий восита бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва бошқа иқтисодий категориялар жамият ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва шу каби иқтисодий категориялар бозор муносабатларини ташкил қилувчи асосий воситаларидан ҳисобланиб, бозор механизмининг самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Уларнинг барқарорлигини таъминлаш самарали иқтисодиётни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади ва Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон молия бозорида янги марраларга чиқиш йўллари белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини юритиш, чекланган моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш мутахассислардан чуқур иқтисодий билимга эга бўлишни талаб қилади. Хўжалик юритиш бу асосан оптимал ва рационал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқдир. Бу ишлар мулк шаклидан, турларидан қатъий назар барча хўжалик объектлари учун бир хил қарашларни талаб қилади. Шу боис иқтисодиётни ривожлантириш борасида юқори малакали мутахассисларни магистратура орқали тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Бу ўринда фан соҳасида чуқур билимга эга бўлган, мутахассисликка мос илмий, илмий-педогогик қобилияти ва қизиқиши бор абитуриентларни магистратурага қабул қилиш катта аҳмият касб этади. Ушбу махсус фанлар дастури айнан шу масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мутахассислик бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг асосий мақсади ва вазифаси иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши ва фаолият юритишининг назарий, амалий жиҳатлари билан боғлиқ тизимларга тааллуқли мавзулар ва саволларни баён қилишдан иборат. Шунингдек дастур саволларга берилган жавобларнинг баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб беради.

Махсус фанлар бўйича магистратурага ўқишга кирувчи бакалаврларнинг билимига, тайёргарлигига ва куникмаларига қўйиладиган талаблар

Махсус фанлар доирасида тузилган синов дастурида иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳияти, функциялари, бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва ўрни, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари каби саволлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўриб чиқилади, шундан келиб чиққан ҳолда 5A230108 – Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчи:

- махсус фанларни ўрганиш даврида ҳар бир мавзу бўйича таянч ибораларига ҳам жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;
- махсус фанларни ўзлаштириш натижасида иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва ҳоказо муносабатларида бўладиган ўзгаришларни билиши;
- мутахассисликка оид илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш бўйича билимга эга бўлиши лозим.

Махсус фанлардан синов мавзуларини бошқа умумқасбий фанлар билан алоқаси

Махсус фанларни ўрганиш давомида бакалавр уни бошқа умумқасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда микро ва макро иқтисодий даражада, шунингдек иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис, рақобатбардошлик ва бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бераоладиган даражада билишлари лозим.

Махсус фанларни ўрганиш магистратурага синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, махсус фанлардан тузилган синов саволларига жавоб беришда қуйидаги фанлар билан, яъни, “Стратегик менежмент”, “Статистика”, “Иқтисодий таҳлил”, “Бошқарув таҳлили”, “Ташқи савдо иқтисодиёти”, “Бизнесни баҳолаш” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

Махсус фанлардан синов дастури
“Бизнесни режалаштириш” фани бўйича
Фаннинг назарий машғулотларини мазмуни қуйидагилардан иборат:
Бозор иқтисодиёти ва бизнес

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти. Бизнесни режалаштириш – тармоқ иқтисодиёти фанидир. Курснинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги. Курснинг таркибий тузилиши ва унинг юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги роли.

«Бизнесни режалаштириш» курсининг объекти, предмети ва вазифалари. Бизнесни режалаштириш фанининг усуллари.

Замонавий иқтисодий қарашлар ва уларнинг ўқиш жараёнида талабаларда шаклланиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида талабаларда самарали хўжалик юритиш бўйича амалий билимларни шакллантириш учун курсни чуқур ўрганишнинг зарурияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва башоратлаш

Режалаштириш ва башорат қилиш тушунчалари. Корхона (фирма)да режалаштириш тизими. Нима ишлаб чиқариш, кимга ва қанча ишлаб чиқариш. Экстраполяция, мантиқий таҳлил, иқтисодий-математика, экспертлик баҳолаш, корреляцион ва бошқа режалаштириш усуллари. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва прогнозлашнинг объектив зарурияти. Режалаштириш ва прогнозлашнинг мақсади, функциялари ва вазифалари. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Бир мақсадли прогнознинг вазифаси. Режалаштириш ва прогнозлашнинг норматив асоси. Норма ва норматив тушунчалари, асосий гуруҳлари ва хўжалик бошқарувида тутган ўрни. Норматив асоснинг таснифланиши ва мақсадлари.

Бизнес режанинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти

Корхона ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти - режалаштириш объекти сифатида. Стратегик режалаштириш жараёни. Стратегик мақсадни танлаш. Стратегик мақсадларга таянган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини шакллантириш. Илмий асосланган режалаштириш. Режалаштиришнинг иккита асосий муаммолари. Режалаштиришнинг миқдор ва сифат, ҳажм ва солиштирма кўрсаткичлари. Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш. Тартибга солишнинг мақсадлари. Жорий фаолиятни тартибга солиш. Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари

Корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш

Бизнес-режанинг функциялари бўйича иқтисодчиларининг турли қарашлари. Бизнес-режанинг моҳияти ва вазифалари. Бизнес-режаларнинг аҳамияти ва зарурияти. Бизнес-режа - янги бизнеснинг юраги, хўжалик бошқарувининг воситаси. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Бизнес режанинг лойиҳа варианты. Бизнес-режани расмийлаштириш ва тасдиқлаш. Расмий ва ишчи бизнес-режа. Корхона миссияси. Корхона этикаси. Корхона танлаб олган кадрлар йўналиши. Бизнес-режа мақсадларини ишлаб чиқиш. Мақсаднинг бизнес тизимидаги бешта функцияси. Мақсадларнинг мазмуни ва шаклига қўйиладиган талаблар. Бизнес-режанинг ахборотлар

манбаи. Бизнес режа тузилмасини танлаш.

Корхонанинг бизнес-режаси

Бизнес-режанинг функциялари бўйича иқтисодчиларининг турли қарашлари. Бизнес-режанинг моҳияти ва вазифалари. Бизнес-режаларнинг аҳамияти ва зарурияти. Бизнес-режа - янги бизнеснинг юраги, хўжалик бошқарувининг воситаси. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Бизнес режанинг лойиҳа варианты. Бизнес-режани расмийлаштириш ва тасдиқлаш. Расмий ва ишчи бизнес-режа. Корхона миссияси. Корхона этикаси. Корхона танлаб олган кадриятлар йўналиши. Бизнес-режа мақсадларини ишлаб чиқиш. Мақсаднинг бизнес тизимидаги бешта функцияси. Мақсадларнинг мазмуни ва шаклига қўйиладиган талаблар. Бизнес-режанинг ахборотлар манбаи. Бизнес режа тузилмасини танлаш.

Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги

Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқаришнинг зарурати. Бизнес-режани тузишда раҳбарнинг роли. Бизнес-режани ишлаб чиқиш муддатлари. Бизнес режани ресурслар билан таъминланганлиги. Корхона ходимларининг малакаси ва касбий кўникмалари. Бизнесни суғурталаш. Бизнес-режа муваффақиятининг омиллари. Моддий ресурслар иқтисоди. Ресурс билан таъминлашда талаб қилинадиган билимлар. Ҳуқуқий таваккалчиликлар. Ишлаб чиқариш таваккалчиликлари. Маркетинг таваккалчиликлари. Молиявий, инновацион, ижтимоий таваккалчилик. Таваккалчилик оқибатларини объектив ўлчаниши ва қиймат баҳосига эга бўлишининг зарурати.

Корхона тавсифи

Бизнес-режа титул варағи. Бизнес-режанинг кириш қисми. Резюме. Корхонанинг тармоқдаги ва бозордаги ҳолати таҳлили. Тармоқни тавсифлаш. Тадбиркорлик фаолияти соҳасини танлашнинг асосий омиллари. Корхонани баҳолаш. Бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш. Корхона тавсифномаси, SWOT- таҳлил. Корхона ва унинг рақобатчиларининг кучли ва заиф томонлари таҳлили.

Корхона маҳсулотини тавсифлаш

Маҳсулотнинг умумий тавсифи ва уни баҳолаш. Маҳсулотни баҳолаш усуллари. Маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичлари. Товар қондирувчи эҳтиёжлар. Сифат кўрсаткичлари. Товарнинг ташқи безалиши. Экспорт кўрсаткичлари ва унинг имкониятлари. Маҳсулотни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Маҳсулот (товар) нинг ҳаётийлик даври кўрсаткичлари. Эҳтиёжларни қондириш воситаси. Бозорнинг асосий қонунлари. Бозорда рақобат ва рақобатбардошлик. Янги маҳсулотни тавсифлаш ва бошқа маҳсулотлар билан таққослаш. Патент ҳуқуқлари. Маҳсулотнинг кучли ва заиф томонлари.

Маркетинг режаси

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маркетинг режаси бўлимининг аҳамияти. Замонавий маркетингни ташкил қилиш ва уни комплекс ўрганиш. Маркетингнинг таҳлилий функцияси. Маркетингнинг

бошқарув ва назорат функцияси. Маркетинг стратегияси. Товар сиёсати. Баҳо (нарх) сиёсати. Сотиш сиёсати. Коммуникатив (ахборот алмашинуви) сиёсати. Маркетинг бюджети. Оммавий маркетинг. Дифференциал маркетинг. Йўналтирилган маркетинг. Ассортимент сиёсати. Янги маҳсулотни яратиш. Маҳсулот сифати соҳасидаги корхона стратегияси. Дизайн стратегияси. Товарнинг бозор атрибутлари (белгилари). Сервис хизматини ташкил этиш стратегияси. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш. Бозор сиғимини баҳолаш. Бозорни сегментлаш. Бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, конунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш. Бозор тузилмасини ўрганиш. Сотув ҳажмини башорат қилиш. Корхонанинг баҳо стратегияси. Баҳонинг шакллантириш усулини танлаш. Корхонанинг баҳо тактикаси. Баҳони бозор суғуртаси (кафолати)ни таъминлаш. Фирма стили. Маркетинг коммуникациялари комплекси: реклама, сотувни рағбатлантириш, шахсан сотиш, жамоатчилик билан ишлаш, тўғридан-тўғри маркетинг, спонсоринг, маҳсулот-плейсмент, брэндинг.

Ишлаб чиқариш режаси

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш режасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Ишлаб чиқариш дастури. Ишлаб чиқариш технологияси. Ишлаб чиқариш кооперацияси. Ишлаб чиқариш жараёни назорати. Атроф муҳит муҳофазаси тизими. Харажатлар башорати. Ишлаб чиқариш режасининг кўрсаткичлар тизими. Ялпи маҳсулот, товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми. Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқариш кувватлари билан таъминланиши. Ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги. Ресурслардан фойдаланишни баҳолаш. Ишлаб чиқаришда ресурсларга талабни аниқлашнинг норматив, статистик ва эмпирик усуллари. Киришдаги, чиқишдаги, ўртача йиллик ва лойиха куввати. Моддий захираларни аниқлаш. Айланма маблағлар таркиби, айланиши ва кўрсаткичлари. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёж.

Ташкилий режа ва менежмент

Ташкилий режанинг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Корхонанинг кадрлар сиёсати. Ташкилий тузилма. Кадрлар салоҳияти. Кадрлар малакаси ва касбий кўникмаларининг даражаси. Ташкилий режанинг менежментга бўлган талаблари. Бошқарув командаси. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Персонални бошқариш. Бизнес-режанинг ишбилармонлик жадвали. Бошқарувни ташкил этиш. Ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Бизнес-режани амалга ошириш буйича корхонадаги бўлимларнинг ўзаро ҳаракатини ташкил этиш ва тартибга солиш. Бошқаришни ташкил этиш.

Корхонанинг молиявий режаси

Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида молиявий режанинг аҳамияти, мазмуни ва асосий бўлимлари. Маҳсулот сотиш ҳажмини башоратлаш. Даромад ва харажатлар баланси. Актив ва пассивлар баланси.

Молиявий режа сифатига таъсир этувчи омиллар. Молиявий режани ишлаб чиқиш муддати ва давомийлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари, солиқ ва тўловлар. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари. Корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари. Корхонада фойдани шакллантириш ва тақсимлаш. Молиялаш стратегияси. Корхонани зарарсиз ишлаши. Корхона салохияти. Пул оқимларини ўзлаштириш.

“КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” фани бўйича

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни

Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари

Тадбиркорлик турлари. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги. Инновацион тадбиркорлик. Илмий техник тадбиркорлик. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик. Тижорат тадбиркорлиги. Молиявий тадбиркорлик. Маслаҳат тадбиркорлиги. Маслаҳат хизматлари.

Тадбиркорлик шакллари. Якка тартибдаги тадбиркорлик. Хусусий тадбиркорлик. Жамоа тадбиркорлиги. Фирмалар. Маъсулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар. Акциядорлик жамияти. Корпорация. Холдинг компания. Давлат корхоналари. Концерн. Консорциум. Кооператив. Картел. Синдикат. Венчур корхоналар. Ижара корхоналар. Инжиниринг корхоналар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар, уларнинг мазмуни. Кичик бизнес субъектларининг банкротлиги. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш ва ёпиш тартиби. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия берувчи ташкилотлар. Лицензия бериш муддатлари. Лицензияни бекор қилиш тартиби.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқариш усуллари ва қарорлар қабул қилиш жараёни.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти. Маркетинг – бизнес фалсафаси. Маркетингнинг бошқарув функцияси. Бозорни танлаш. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг аҳамияти. Бозор сегментациясининг хусусиятлари. Бозорни сегментлашни ташкил этиш. Бозордаги мақсадли сегментни танлаш. Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги. Товарнинг ҳаётийлик даври. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида бизнес-режанинг аҳамияти. Бизнес-режанинг моҳияти, мазмуни ва тузиш зарурияти. Бизнес-режанинг асосий бўлимлари. Бизнес-режани бажарилишини назорат қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятини оператив ва стратегик таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолияти самарадорлиги таҳлили.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари

Инфратузилманинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси турлари. Брокерлик идоралари, улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консальтинг ва суғурта компаниялари, божхона хизмати, ахборот – маслаҳат марказлари, инжинеринг ва аудиторлик фирмалари.

Ўзбекистоннинг банк-молия тизими. Банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар. Банкларнинг асосий операциялари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишида банкларнинг роли. Банклардан кредит бериш тартиби.

Ўзбекистонда солиқ тизими. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Солиқ юқини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан солиқ олиш қоидалари ва солиқ имтиёзлари.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили

Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти таркиби ва элементлари. Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларни туркумлаш. Ишлаб чиқариш

харажатлари. Ноишлаб чиқариш харажатлари. Ички харажатлар. Ташқи харажатлар. Доимий харажатлар. Ўзгарувчан харажатлар. Бевосита харажатлар. Билвосита харажатлар. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар. Давр харажатлари. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Фавқулотда зарарлар. Маҳсулотни таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари. Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг асосий молиявий хужжатлари. Баланс. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятини таҳлил қилиш. Молиявий таҳлилнинг турлари ва уларни ўтказиш услублари. Кичик бизнес ва тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти, мақсади ва асосий кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш манбалари. Кичик бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш шакллари. Кредит турлари. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш.

Ялпи даромад ва фойда. Фойданинг турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фойда турларини таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида рентабеллик даражасини ҳисоблаш усуллари.

Тадбиркорлик этикаси ва маданияти

Тадбиркор раҳбар этикаси. Тадбиркор раҳбарнинг этика кодекси. Ўзига жалб қилиш имиджи. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбар этикети. Сухбатлашиш, танишиш ҳамда сўрашиш нормаси. Иш контрактларини ташкил қилиш. Иш суҳбатларини олиб бориш. Иш қоғозларини ёзиш. Телефонда гаплашиш маданияти. Иш баёни ва ҳисоботи. Тадбиркор раҳбарнинг нутқ маданияти ва унинг руҳий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбарнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши. Тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида экспортнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили. Экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Экспортёр корхоналарга яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Кичик бизнес корхоналарида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Хорижда ўзбек савдо уйларини ташкил этиш. Экспорт кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг Давлат дастури. Кичик бизнес ва тадбиркорликни миллий иқтисодиётнинг турли секторларида ривожланиши. Кичик ва йирик бизнес корхоналари ўртасида хўжалик алоқаларининг йўлга қўйилиши. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.

“МЕНЕЖМЕНТ” фани бўйича

Менежментнинг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати

Менежментни пайдо бўлиши. Машинали ишлаб чиқаришни ривожланиши. Бозор субъектларининг катта миқдорини вужудга келиши, ҳажмини ўсиши ва бозор алоқаларини кучайиши. Бошқарувга касбий ёндашув зарурлигини асослаб берувчи рақобатни ўсиши ва бозор иқтисодиётининг барқарорлиги. Йирик корпорацияларни пайдо бўлиши ва шунга кўра фақат ходимларнинг махсус аппарати бажариши мумкин бошқарув ишлари ҳажми ва мураккаблигини кўпайиши. Мулкни акциядорлар ўртасида жамланиши, бунинг натижасида акциядорлик сармоясини бошқаришнинг янги вазифалари. Тадбиркорларни саноат инқилоби даврида яратилган техниканинг афзалликларидан фойдаланишга ҳаракатлари. Менежментнинг илмий мактаблари. Илмий бошқарув мактаби. Бошқарувнинг классик ёки маъмурий мактаби. Бошқарувдаги инсоний муносабатлар мактаби. Ахлоқий фанлар ёки бихевиористик мактаб. Бошқарув фани мактаби ёки миқдорий усул. Вазиятли ёндашув. Тизимли ёндашув. Жараёнли ёндошув. Мамлакат бошқарувининг ривожланиши. Менежментнинг хорижий модели. Менежментнинг америкача модели. Менежментнинг япон модели. Менежментнинг Ғарбий Европа модели.

Менежментнинг назарий асослари

Бошқарув ва менежмент. Молиявий менежмент. Инновацион менежмент. Савдо менежменти. Бошқарув (менежмент)нинг моҳияти ва тизими. Бошқарув тизимининг бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимчалари. Тўғридан тўғри алоқа. Тескари алоқа. Менежмент тизимининг тузилиши. Менежментга нисбатан ёндошувлар. Менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари. Бошқарув усуллари. Маъмурий ёндашув. Қайта ишлаб чиқарувчи ёндашув. Динамик ёндашув. Интеграцияли ёндашув. Мажмуавий ёндашув. Маркетингли ёндашув. Меъёрий ёндашув. Ахлоқий ёндашув. Жараёнли ёндашув. Тизимли ёндашув. Вазиятли ёндашув. Вазифавий ёндашув. Менежмент тамойиллари. Меҳнат тақсимооти тамойили. Ваколатлар ва жавобгарлик тамойили. Интизом тамойили. Якка ҳукмронлик тамойили. Ҳаракатлар бирлиги тамойили. Шахсий манфаатларни бўйсиндирилиши тамойили. Ходимларни мукофатлаш тамойили. Марказлаштириш тамойили. Қояли занжир тамойили. Тартиб тамойили. Адолат тамойили. Ходимларнинг барқарорлиги тамойили. Ташаббус тамойили. Корпоратив руҳ тамойили.

Бошқарув усуллари. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари. Бошқарувнинг

маъмурий усуллари. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

Меҳнатни бошқариш усуллари

Меҳнатни бошқаришнинг характери. Иқтисодий ўсишнинг ҳар хил босқичларида меҳнатни бошқариш турлари. Ф.Тэйлорнинг меҳнатни бошқариш усуллари. Меҳнатни технократик бошқариш. Саноатда бандликнинг умумий тамойиллари ва меҳнат муносабатларини ўрнатиш. Д.Макгрегорнинг “Х” ва “Ҳ” назарияси. Меҳнатни инновацион бошқариш. Меҳнатни инновацион бошқаришга ўтишнинг асосий омиллари ва шартлари. Корпорацияларда “Сифат тўғараклари” ишчи гуруҳини ташкил этиш.

Менежмент технологияси

Бошқарув жараёни. Бошқарув вазифалари. Режалаштириш. Мақсадлар. Ташкил қилиш. Мотивация. А. Маслоу бўйича эҳтиёжлар иерархияси. Мувофиқлаштириш. Бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялар. Ташкилот ва ташқи муҳит ўртасидаги коммуникациялар. Ишлаб чиқариш ва бошқарув босқичлари бўйича бўлинмалар ичидаги коммуникациялар. Шахслараро коммуникациялар. Бўлинмалар ўртасидаги коммуникациялар. Норасмий коммуникациялар. Коммуникацион жараён. Коммуникацион тармоқларнинг намуналари. Бошқарув қарорлари. Қарорни бажарилишини ташкил қилиш. Қарорни бажарилиши устидан назорат қилиш, фаолият ва қарорга тузатишлар киритиш. Қарорни бажариш бўйича фаолиятни баҳолаш.

Ташкилотлар ва уларни бошқариш

Ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифи. Ташкилотнинг яшаш даври. Ташкилотларнинг ички муҳит. Ташкилотларнинг ташқи муҳити. Ташкилот ички ва ташқи муҳитининг омиллари ва ўзгарувчанлари. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилий тузилмаларнинг турлари. Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси. Меҳнатни горизонтал бўлиниши. Меҳнатни вертикал тақсимланиши. Тўғри чизикли тузилма. Бошқарувнинг вазифавий тузилиши. Тўғри чизикли вазифавий тузилма. Бошқарувнинг тўғри чизикли-штабли тузилмаси. Бошқарувнинг матрица тузилмаси. Дивизионал (ёки бўлимли) ташкилий тузилма. Маҳсулотли ташкилий тузилма. Минтақавий ташкилий тузилма. Истеъмолчига қаратилган ташкилий тузилма. Бошқарувнинг комбинациялаштирилган тузилмаси. Асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллар. Маъсулияти чекланган жамият. Қўшимча маъсулиятга эга жамият. Акциядорлик (ҳиссадорлик) жамияти. Шўъба ва боғлиқ жамиятлар. Давлат унитар корхоналари. Нотижорат ташкилотлар. Матлубот кооперативи. Картель. Синдикат. Трест. Концерн. Консорциум. Саноат холдинглари. Тадбиркорлар уюшмалари. Виртуал корпорация. Ташкилотларни ривожланишидаги замонавий тенденциялар. Тармоқли ташкилотлар. Ташкилотларнинг янги турлари. Ташкилотларни стратегик бошқариш. Стратегик бошқарув тузилмаси. Стратегик мақсадларини белгилаш. Стратегияни танлаш. Ташкилий ўзгаришларни бошқариш. Ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш моделлари. Бошқарувнинг самарадорлиги.

Менежмент ва корпорацияларнинг инновацион стратегиялари

Инновацион стратегияларни турлари. Анъанавий. “Оппортунистик”. Имитацион (таклидли). Мудофаавий. Боғлиқ. Хужумкор. Яхши ташкил қилинган, самарали инновацион жараён. Новатор-ижодкорларнинг мавжудлиги. Янги ғояларга мойил, ноанъанавий фикр юритувчи раҳбарият. Таваккалликни тақсимлаш имконияти. Бозорни яхши билиш, маркетингни ташкил қилиш. Битта технологияни бошқаси билан алмаштирувчи S-симон эгри чизиқлар.

Замонавий менежер

Менежер: тушунчаси, шахсий ва ишга доир сифатлари, вазифалари. Корхона менежерларининг даражалари. Менежер ва етакчи. Етакчининг анъанавий концепцияси. Менежернинг етакчидан фарқи. Етакчилик сифатлари назарияси. Етакчилик ҳулки концепциялари. Вазиятли етакчилик концепцияси. Танненбаум-Шмидт етакчилик ҳулки континууми (узликсизлиги). Вазиятли етакчилик моделлари (Ф.Фидлер). Херсей ва Бланшарларнинг вазиятли етакчилик модели. Хауз ва Митчелларнинг “йўлмақсад” етакчилик модели. Врум-Иеттона-Яголарнинг қарорлар қабул қилишнинг вазиятли модели. Етакчиларни янги концепциялари. Атрибутли (белгили) етакчилик концепцияси. Харизматик етакчилик концепцияси. Тубдан ўзгартирувчи етакчи концепцияси. Менежернинг услуги. Раҳбарлик услубларининг мазмуни. Раҳбарликнинг демократик услуги. Ишга доир этика ва этикет. Менежернинг имиджи. Имидж тушунчаси. Ишбилармонлик этикаси. Нутқ маданияти. Ишбилармонлик этикетининг миллий хусусиятлари.

Бошқарув меҳнати ташкил қилиш

Бошқарув меҳнати: таърифи, хусусиятлари, турлари. Эвристик меҳнат. Маъмурий меҳнат. Оператор меҳнати. Бошқарув меҳнати илмий ташкил қилиш. Раҳбарни ўзини ўзи бошқариши. Менежмент томонидан вақтдан ва ўз имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш. Унинг ўзининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш. Ҳаётни боришини онгли равишда бошқариш. Ҳам ишдаги ва ҳам шахсий ҳаётидаги ташқи ҳолатларни енгиб ўтиш. Ўзини ўзи бошқариши доираси. Мақсадларни кўйиш. Ишлаш қобилиятининг ўртача статистик ўзгаришлари. Ахборот билан ишлаш. Телефондаги сўзлашишлар. Ёзишмаларни рационал олиб бориш. Менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишнинг қуроллари.

Гуруҳ динамикаси

Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичлари. Меҳнат жамоаси. Таъсир ўтказиш ва ҳукмронлик. Мажбур қилишга асосланган ҳукмронлик. Мукофотлашга асосланган ҳукмронлик. Экспертли ҳукмронлик. Намуна ёки харизма ҳукмронлиги. Қонуний ҳукмронлик. Ресурсларга эгалик қилишга асосланган ҳукмронлик. Ахборотларни олиш ва улардан фойдаланишга асосланган ҳукмронлик. Низоларни бошқариш. Низоларнинг вазифалари. Шахс ичидаги низо. Шахслараро низо. Шахс ва гуруҳ ўртасидаги низо. Гуруҳлараро низо. Картография усули. Низонинг картаси. Низоларни ҳал қилишнинг таркибий усуллари. Низоларни ҳал қилишнинг шахслараро

усулларига. Ходимларни бошқариш. Ходимларни танлаш. Ходимларни танлашнинг ички ва ташқи манбаларини солиштириш. Менежернинг ишбилармонлик сифатларини баҳолаш. Мартабани бошқариш. Ходимлардан фойдаланиш.

Корхона қудратини бошқариш

Корхона қудратини бошқариш технологиясининг босқичлари. Корхона қудратидан фойдаланиш динамикаси ва самарадорлигининг тузилишини, унинг бозордаги улушини баҳолаш. Корхона қудратини рақобатбардошлигини баҳолаш. Корхонанинг иқтисодий қудрати. Корхона қудратини резервлари ва йўқотишларини таҳлил қилиш. Корхона қудратини рақобатбардошлигини ошириш бўйича стратегия ва тактикани танлаш. Танланган стратегия ва тактикадан келиб чиққан ҳолда корхона қудратининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш.

Корхона қудратининг рақобатбардошлиги. Индикаторли усул. Матрица усули. Корхона қудрати қобилияти контурининг матрицаси. Корхона қудрати самарадорлиги резервлари. Корхона қудрати рақобатбардошлигининг тузилиши ва динамикаси.

5А 230108 – “Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кириш синовлари

НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ

1. Бизнес бу нима. Бизнес ва тадбиркорликни бир-биридан ажратиб турувчи хусусиятларни келтиринг.
2. Бизнес ва тадбиркорликнинг қандай ташкилий шаклларини биласиз.
3. Бозор иқтисодиётининг моҳиятини сиз қандай тушунасиз.
4. Нима сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш объектив аҳамият касб этди, бунинг асосий сабаблари нимада.
5. Бозор иқтисодиётининг афзал томонларини санаб беринг.
6. Бозор шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг моҳияти нимада.
7. Бозор шароитларидаги режалаштириш аввалги маъмурий буйруқбозлик тизимидаги режалаштиришдан нимаси билан фарқ қилади.
8. Хўжалик юритишнинг бозор шароитларида режалаштиришнинг асосий тамойилларини санаб беринг.
9. Режалаштиришдаги иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти нимада.
10. Режалаштириш ва эркин тадбиркорлик қай тарзда уйғунлашади.
11. Корхонанинг режалаштириш соҳасидаги ваколатлари қандай.
12. Режалаштиришнинг норматив асослари деганда нимани тушуниш керак.
13. Норма билан норматив ўртасида қандай фарқ бор.
14. Режалаштиришнинг норматив асосларини таснифлаб беринг.
15. Норматив асослари қўлланиш миқёсига кўра қандай тақсимланади.
16. Режалаштириш жараёнида корхона томонидан қандай вазифалар бажарилади.
17. Бозор шароитларида корхона фаолиятини режалаштириш аввалги

маъмурий-буйруқбозлик тизимидан нимаси билан фарқ қилади.

18. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштиришнинг кўрсаткичлари тизимини асослаб беринг.

19. Ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш нима ва у режалаштириш жараёни билан қандай уйғунлашади.

20. Сизнингча, бозор шароитларида режалаштириш жараёни қандай кўринишга эга бўлиши лозим.

21. Қайси ҳолларда режага ўзгартириш киритиш мумкин.

22. Корхона фаолияти режаларини ишлаб чиқишда ахборот асосларининг аҳамияти ва заруратини тушунтириб беринг.

23. Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва тартибга солиш жараёнларини ким ёки қайси орган бошқаради.

24. Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларини тушунтиринг.

25. Ахборот сифатига қўйилувчи асосий талаблар қандай.

26. Бизнес-режанинг мазмуни ва моҳияти нимада.

27. Корхона миссияси нима ва у қандай ишлаб чиқилади.

28. Мақсадлар қандай аниқланади ва унинг миссиядан фарқи нимада.

29. Бизнес-режа қандай маълумотлардан иборат бўлади.

30. Бизнес-режани тузиш учун маълумотларни қайси кетма-кетликда тайёрлаш керак.

31. Бизнес-режани тузиш босқичлари ва уларнинг фарқи нимада.

32. Ишчи бизнес-режа қандай вазифаларни бажаришга қаратилган.

33. Бизнес-режанинг асосий бўлимларини санаб беринг.

34. Бизнес-режа қандай талабларга жавоб бериши лозим.

35. Бизнес-режани ишлаб чиқиш учун жавобгарлик кимнинг масъулиятида бўлади.

36. Бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш қайси элементлардан таркиб топади.

37. Бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнини бошқаришда бажарилувчи асосий вазифаларни санаб беринг.

38. Бизнес-режа қандай талабларга жавоб бериши лозим.

39. Бизнес-режани ишлаб чиқишни ўз вақтида амалга оширишнинг аҳамияти нимада.

40. Бизнес-режанинг ресурслар билан таъминланганлиги деганда нимани тушунасиз.

41. Моддий ресурсларни тежашнинг асосий йўналишларини тушунтиринг.

42. Хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари.

43. Республикамизда касаначилик ва унинг ривожланиш истиқболлари.

44. Тадбиркорликнинг моҳияти ва ривожланиш тарихи.

45. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари.

46. Тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат.

47. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги деганда нимани тушунасиз.

48. Тижорат тадбиркорлиги деганда нимани тушунасиш.
49. Молиявий тадбиркорлиги деганда нимани тушунасиш.
50. Консалтинг тадбиркорлиги деганда нимани тушунасиш.
51. Тадбиркорликнинг шакллари.
52. Янги корхонани ташкил этиш, уни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш тартиби
53. Янги корхонани бошқариш механизми.
54. Бошқарув таркиби, бошқарув бўғини ва бошқарув босқичи.
55. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарув таркибларининг ташкилий турлари.
56. Чизиқли (поғонали) таркиб нима.
57. Чизиқли–штабли таркиб нима.
58. Функционал таркиб нима.
59. Дастурли-мақсадли таркиб нима.
60. Матрицали таркиб нима.
61. Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарнинг бошқарув услуби
62. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти ва функциялари.
63. Маркетингни таркибий тузилиши ва уни бошқаришни ташкил этиш.
64. Тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларининг моҳияти.
65. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари
66. Бизнес режанинг моҳияти ва асосий бўлимлари таснифи.
67. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий асослари.
68. Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш асослари
69. Инфратузилма тўғрисида умумий тушунча
70. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат қилувчи инфратузилманинг вазифалари ва функциялари.
71. Инфратузилманинг тавсифланиши
72. Ижтимоий бошқарув объекти.
73. Жамоанинг ижтимоий ривожланиши.
74. Жамоа ижтимоий ривожланишини бошқариш.
75. Инсон хулқи омиллари тизими.
76. Маданият ва менеджмент.
77. Менежмент маданиятининг асосий унсурлари.
78. Ташкилий-фармойиш (маъмурий) усулларнинг моҳияти нима.
79. Социология нимани ўрганади.
80. Ташкилий-мувофиқлаштирувчи таъсир меҳнат жамоаларига нимага керак.
81. Шахснинг қандай рухий хоссаларини биласиз.
82. Психология нимани ўрганади.
83. Маънавий рағбатлантириш деганда нимани тушунасиш.
84. Бошқаришнинг ташкилий қурилмалари қандай бозор талабларига жавоб бериши керак.
85. Бошқарув бўғини ва звеноси ўртасида қандай фарқ бор.
86. Худудий ва тармоқ бошқариш органлари ўртасида қандай фарқ бор.

87. Менежмент нима.
